



ТАБИЙ МЎЙНАДАН ТАЙЁРЛАНГАН ДЕКОРАТИВ ЭЛЕМЕНТЛАРНИ БУЮМ ЯРАТИШДА ҚЎЛЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ УСУЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Темирова Гулноз Ибодовна - Бухоро муҳандислик – технология институти «Енгил саноат технологиялари» кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Халқ учун товарлар ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши, улар сифатининг яхшиланиши, барча хизмат турларининг тез ривожланиши аҳоли яшаш даражасининг янги сифатли, анча юқори босқичга кўтаришнинг ўзгармас шarti сифатида қаралади. Атроф муҳитни ифлосланишини олдини олиш мақсадида хом ашёдан унумли фойдаланиш, буюм бичиш вақтида ундан чиқадиган қийқимлардан унумли фойдаланган ҳолда ушбу чиқиндиларни қайта ишлаб турли хилдаги безаклар тайёрлаш орқали янги турдаги қийқимлар ассортиментини кенгайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш кўзда тутилган.

Таянч сўзлар: чиқинди; табиий мўйна; безак; қийқим; андаза; мода; конструкция; трафарет.

ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СПОСОБОВ НАНЕСЕНИЯ И УКРЕПЛЕНИЯ ДЕКОРАТИВНЫХ ЭЛЕМЕНТОВ ИЗ НАТУРАЛЬНОГО МЕХА

Темирова Гулноз Ибодовна - старший преподаватель кафедры “Технология легкой промышленности ” Бухарского инженерно-технологического института

Аннотация. Расширение рынка товаров народного потребления улучшения их качества, развитие всех сфер услуг рассматривается как неизменное условие повышения нового качества жизни населения. С целью предупреждения загрязнения окружающей среды и рационального использования сырья при раскрое изделий из шкуры животных и уменьшения отходов, предусматривается использование отходов и их переработки, которые образовались при раскрое изделий из меха в качестве различных украшений одежды и тем самым достичь расширения ассортимента продукции, с улучшением их качества.

Ключевые слова: отход, натуральная меха, украшение, лоскут, лекала, мода, конструкция, трафарет.

PROSPECTS FOR THE DEVELOPMENT OF METHODS FOR APPLYING AND STRENGTHENING DECORATIVE ELEMENTS FROM NATURAL FUR

Temirova Gulnoz Ibodovna - Senior Lecturer, Department of Light Industry Technologies, Bukhara Institute of Engineering and Technology

Abstract. Widening of goods production, rapid improvement of their quality, and all kinds of services for the benefit of people is considered to be as a constant condition of increasing living level of population into new quality and stage. According to preserve environmental pollution to take advantage of raw materials, beneficial using of shreds that are left after cutting process of objects within making decorations by reusing those shreds and to widen new kinds of clothes assortment and improvement of goods quality are mentioned in the article.

Key words: waste material, natural fur, decoration, shred, construction, measure, fashion, pattern.

Қоракўлчилик мамлакатимиз халқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлиб, Республикамиз иқтисодиётида у катта ўрин эгаллайди. Илм-фаннинг ривожланиши мўйна саноатининг ривожланишида катта рол ўйнайди. Халқнинг моддий ва маънавий ўсиши унинг юқори сифатли тайёр маҳсулотларга бўлган талабининг ўсишига олиб келади. Бу эса мўйна саноатининг ривожланиш йўналишларини кўрсатади. Янги материалларни, асбоб-ускуналарни, узлуксиз технологик



жараёнларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш, хом-ашё ва материаллардан унумли фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган.

Мўйна маҳсулотлари иссиқсақловчи ҳамда узоқ муддатга чидамлилиги каби афзалликларга эга бўлганлиги сабабли совуқ ўлкаларда бу маҳсулотларга бўлган қизиқиш жуда юқори. Бугунги кунга келиб мўйна модаси шундай тезлик билан тараққий этдиб бормоқдаки, ҳаттоки мавсумдан мавсумгача бўлган оралиқда ҳам ўзгариб бормоқда [1, 2, 3].

Мўйна ярим маҳсулотини пардозлашнинг янги технологиялари пайдо бўлиши, жун қопламининг қайси усул билан ишлов берилишига, янги имитациялар, ранглар уйғунлигининг кўпайишига боғлиқ ҳолда турли хилдаги мўйна буюмларининг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Табиий мўйнадан тайёрланган кийимлар ўзининг ташқи кўриниши билан инсон гардеробидagi асосий жойни эгаллайди. Иқлим шароитларига мос равишда бундай мўйна буюмлар йилнинг исталган вақтида кийилади [4].

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ассортиментини кенгайтиришга интилиш, мўйна саноати мутахассисларидан янги имитацияни ва пардозлаш турларини яратиш йўналишларида доимий изланишларини тақозо этади. Бунда табиий мўйнанинг хусусиятларидан кенг фойдаланиш, яъни жун қоплами қалинлиги, ранг, териларнинг нақши буларнинг ўзи ҳам безак сифатида фойдаланилиб, кийимларнинг турли хил композицияларини чексиз ечимлар орқали олишга имкон яратади [3].

Мўйнадан тайёрланган буюмларда безак эффектини олиш усуллари ва турли хил ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, уларни таснифлаш турли хил белгиларига қараб амалга оширилади. Бунда мўйна буюмларини самарасини таъминлаб безақда қуйидаги белгиларга қаралади. Бунда безак эффектини таъминловчи мўйна маҳсулотларини безатиш қуйидаги белгиларга қараб таснифланиш ҳисобга олинган: [1, 2]:

- мақсадига қараб (декоратив безакли, безакли-утилитар);
- тайёрлаш усулига қараб (юзаси, ҳажми, бичиш усулларига қараб);
- матого таъсир қилиш орқали (механик, физик-кимёвий, аралаш);
- бириктириш усулига қараб, (ипли, намли иссиқлик ишлов бериш, кимёвий воситаларни қўллаш орқали ҳамда юзага эффектларни бериш орқали).

Самарали безак турлари биринчи навбатда ишлаб чиқаришнинг қайси босқичида вужудга келишига боғлиқ. Эффектли декоратив олишдаги фарқлар: мўйна ярим маҳсулотларини тайёрлашда, яъни тери тўқимаси ва жун қопламига ишлов беришда (бўяш, қирқиш ва шунга ўхшаш); мўйнадан тайёр буюмлар тайёрлашда (фурнитура, тасъма, мўйнали элементлар ва шунга ўхшаш).

Олинган таснифлардан шуни кўриш мумкинки пардозлашнинг энг кўп ривожланган марказида бўяш жараёни этади. Бўяшнинг мақсади турли қимматбаҳо хом ашёларнинг табиий рангини яхшилашдан (собол, қоракўл, норка) иборат бўлиб, унча қиммат бўлмаган мўйна турларини имитация йўли билан рангини қимматбаҳо турга ўхшатиб (товушхонни соболга, колонокни норкага) яхшилаш ҳисобланади. Ҳозирда бўяшнинг мураккаб технологиялари қўлланилади буларга босма усулига ўхшаш (шиншиллани товушхонга) градуированли бўяш, трафаретли бўяш усуллари шулар жумласига киради. Мўйна юзасини холдор қилиш ва кўп тусли қилиб бўяшни кўп ярусли технологиясини яратиш билан мўйнанинг ақлбовар қилмас ранга бўяш имкони мавжуд.

Мўйна ярим маҳсулотини тайёрлашда олинадиган декоратив безак бириктириш усулига қараб фарқ килади-ипли; кимёвий воситаларни қўллаш; кесиш билан юза эффектини бериб; ўйиб олиш билан юза эффектини бериб; “мўйнани кислотада куйдириб”.



Турли хил имитациялар ва нақшларни яратиш мақсадида жун қоплами қирқиб текисланади ҳамда ҳар хил баландликда ўзгартирилади. Қирқиш бир хил ёки шаклдор бўлиши мумкин. Энг кенг тарқалган қирқиш усулларидан бири бу бир хил қирқиш усули бўлиб, бунда дағал жун узунлиги пасайтирилганда ёки чуқурроқ кесилганда жуннинг юзаси бахмалсимон силлиқ жундан иборат бўлиб қолади [1, 2, 3].

Машҳур дизайнерлар коллекцияларида бахмал ва велюрга ўхшатиш норкали буюмларини учратиш мумкин. Бундай пардозлашни фақатгина юқори сифатли терилардангина олиш мумкин.

Мўйнали фигурали кесилнинг механик усулда, лазерли ёки қўлда амалга ошириш мумкин. Қирқиш машинаси ёрдамида махсус мослама (ўрнатма) ёрдамида ёки қўлда хоҳлаган нақшларни кесил мумкин. Масалан бош кийимларда кўп тармоқли муайян нақшларни жойлаштириб кесилади.

Чарм тўқимасига ишлов бериб декоратив эффектларни олиш иккига бўлинади;
-бир томонлама ва;
-икки томонлама.

Бир томонлама ишлов бериб декоратив эффект олишда шаблонлардан фойдаланилади ва юза характерлари ўзгартирилади. Шаблонлар турли хил шаклда; тўртбурчак, квадрат, учбурчак, ромб, параллелограмм, сегмент ва шунга ўхшаш бўлади. Юза характери бўйича бир томонлама эффектга; «тўлқинли чизиқ» ва «мўйнали қавариқлар» технологияси киради.

Икки томонлама эффектлар қуйидагиларга: каштадўзлик; ўраш; матоли ва айлантириш технологияси бўйича олиш.

Териларни бичишни турли хил усулларга бўлинади. Фойдаланиш орқали буюмлар юзасига қизиқарли эффектларни яратиш мумкин. Бу усулларни оддий ва мураккаб бичиш усулларига ажратиш мумкин.

Оддий усул деб, танлаб олинган тери маҳсулотларидан андаза бўйича қирқиш деганда терининг терининг четларини, бош қисмини қирқиш, бўйин, оёқларни кесил, умуман олганда терини текислаш тушунилади [3].

Бичиш усули шундай танланиши керакки терининг табиий чиройи, майинлиги, енгиллиги кўриниб турсин.

Бундай технология учун мўйна пластиналарини дастлаб тайёрлаш ва ундан кейин буюмлар тайёрлаш лозим.

Мўйнали пластина - маълум шакл ва ўлчамларга эга бўлган қийқимлар бўлиб, ишлов берилган теричалардан сифати жиҳатидан танлаб олинган ва бирлаштириб тикилган икки-учта бир жинсли ярим маҳсулотдир [3].

Терининг қирқимлари ва бўлакларидан турли хил геометрик шаклларга деталлар қирқилади (квадрат, тўртбурчак, сегмент) бу эса чиқиндисиз ишлаб чиқариш билан боғлиқ.

Мўйнадўзликда бўлаклардан унумли фойдаланиш учун, шаблон бўйича бичилганда тайёр буюм элементлари бири-бирига мослаб уйғунлаштирилади. Мўйнадўзлик қийқимларидан ва мўйна бўлакларидан турли хилдаги геометрик фигуралар-тўртбурчак, квадрат, учбурчак, ромб, параллелограмм, сегмент ва бошқа кўринишдаги тасма ёки бўлакчалар қирқиш мумкин.

Мўйна буюмларини тайёрлаш жараёнида уларни нафақат ип билан бириктириш балки елимли материаллар билан ҳам бириктириш мумкин. Мўйнадўзлик машинасида қийқимлар ипли чоклар ёрдамида бириктирилса, елимлаш жараёнида эса елим материаллардан фойдаланилади.

Турли структурага эга пластинани тайёрлаш, кўп меҳнат талаб қилади, лекин ундан (пальто, костюм, жилетлар, ва бошқалар) ҳозирги мода йўналишига мос ҳолда кийимлар тайёрлаш мумкин.



Янги технологияларни қўллаш усуллари кенгайиб бориш баробарида норкадан полоска тайёрлаш усули ишлаб чиқилган бўлиб улар тўлқинли чизиқлар ёрдамида қавариқ ҳолатда қилиб тайёрланади [3, 5].

Мўйнадан, икки томонлама юзага эга бўлган буюмларни яратишга имкон берувчи технологиялар мавжуд. Буларга ўриш, тешиш, каштадўзлик, тўқиш мисол бўла олади. Бундан фойдаланиб мўйнага замонавийлик бериш ва янги усуллардан фойдаланиб моделлар яратиш мумкин. Улар ўзининг аслиги ва экстравагантлиги билан ажралиб туради [1].

Мўйнадан олинган буюмларни тайёрлаш жараёнида ҳосил бўлган декоратив безакларга: конструктив элементлар, фурнитуралар, алоҳида мўйнали элементлардан тайёрланган ва бошқа аралаш материаллар билан тайёрланган элементлар киради. Буларнинг барча турлари яна майда турчаларга бўлинади.

Мўйнадан қизиқарли ва тежамкор безаклар олиш учун чарм ва бахмалсимон чарм тайёрлашда, тарқатиш, ёйиш, газламага тикилган чизиқли мўйнали тасма, айлантирувчи технология, мозаика каби мураккаб бичишнинг турли технологиялари қўлланилади. Оддий бичиш усули билан тайёрланган буюмларга қараганда мураккаб бичиш усулини қўллаб тайёрланган буюмлар ўзининг ташқи кўриниши билан алоҳида ажралиб туради. Шу билан бир қаторда мураккаб бичиш усуллар чоклар сонини оширишга олиб келади бу эса жун қоплами томонидан кўриниб қолишига олиб келади, шу сабабли мураккаб усул билан қирқишда паст жунли, терилар бичилмайди [3].

Мўйнадан тайёрланган буюмларда мақсадга қараб безак турлари элементларининг қуйидаги анъанавий кўринишлари амал қилади:

- мўйнали помпонлар, турли шакл ва ўлчамларга эга бўлган ёқа остидан боғланадиган;

-аралаш ёки бир тусли материаллардан ёки қўшма бир хил мўйнани бошқаси билан безаш. Безак мўйна ярим маҳсулотини тежашни таъминлайди;

-мўйна буюмлари инкрустация (юза қисмига нақш чизиш) ва бошқа чарм ёки мўйна фактуралар ёки ранглар билан тўлдириш, бошқача айтганда инкрустация-бу нақш яратиш учун бир мўйнага иккинчисини қўйишдир;

-мўйна буюмларини турли тасмалар, шнурлар, бассонлар билан безаш;

-бошқа мўйна тасмалари билан безаш;

-қўшимча безаклар.

Буюмлар тайёрлашда турли хил усулларни қўллаб шаклларни яратиш, келгусида буюмнинг ташқи кўринишини ва уни хизмат қилиш муддатини белгилаб беради. Буюм учун зарур бўлган деталлар шаклини 3 та асосий усул таъминлаб бериши мумкин:

-физика-механикавий;

-механик;

-физик-кимёвий.

Физика-механикавий усулда шакллантириш жараёни материалнинг структурасига «қўпол» таъсир эттириб амалга оширилади. Механикавий (конструктив) усулда шакллантириш деталларни бўлакларга бўлиш, конструктив элементларни киритиш, турли жинсли элементларда система ҳосил қилиш билан амалга оширилади.

Фақатгина шаклларни яратиш усулларидан фойдаланиш узоқ муддатли натижаларни бермайди, чунки эксплуатация жараёнида доимий равишда деформациялаш ҳаракатлари пайдо бўлади, бу эса ўз навбатида маҳсулот шаклини йўқолишига олиб келади. Шу сабабли кийим тайёрлашда қўшимча шаклларни жойлаштиришни турли хил усуллари қўлланилади. Бунда ишлаб чиқаришда қўшимча равишда шаклни тузатишнинг турли усулларидан фойдаланилади. Турли хил



материаллар учун яратиш усуллари ва шаклларни мустаҳкамлаш турлича бўлиб, уларни хусусиятларидан келиб чиқиб аниқланади.

Механик усул жумладан, мўйнанинг тери тўқимаси хоссаларининг қайишқоқ пластик хусусиятларини унга қўйилган оғирлик юки натижасида тери тўқимаси структураларини мураккаб ўзгаришга олиб келиши билан характерланади. Чунки, тери тўқимаси толали тўқима материал бўлиб, унинг деформацияланиш ҳаракати структура элементларининг қайсики ўз навбатида материалнинг структура хусусиятига боғлиқ бўлиб, бир – бирига нисбатан ҳаракатчанлиги билан аниқланади.

Тери тўқимаси деформацияси асосий қонуниятларини, унинг структураси хусусиятларини тушунмай туриб ҳамда ва тери тўқимаси структурасини ишлов бериш жараёнларида уни шаклланиш йўллари хисобга олмай ўрганиб бўлмайди.

Маълумки, тери организмни қоплаб турувчи, хилма-хил структураларидан бири бўлиб, яшаш шароити ва муҳити унинг тузилишига бевосита таъсир кўрсатади.

Тери тўқимаси структураси шунингдек ҳайвоннинг жинси ва ёши каби омиллар билан ҳам фарқ қилади. Мўйна тери тўқимаси структураси шаклланишига ишлов бериш жараёнлари муҳим таъсир кўрсатади. Технологик жараёнларнинг алоҳида жараёнлари ва операциялари мўйна ярим маҳсулотига ишлов беришда аниқ мақсад ва вазифаларни бажаради.

Ишлов бериш жараёни - тери тўқимаси структураси ва ҳажмий шаклланишида унинг қайишқоқ пластик ва мустаҳкам хоссаларини белгилайди. Технологик жараёнларнинг мақбул параметрларини танлаш, мўйна ярим маҳсулотининг сифатига боғлиқ бўлиб, унинг ҳажм жиҳатдан шаклланишига олиб келади.

Шундай қилиб, табиий мўйнадан буюмларни яратиш усуллари ва шакллари мустаҳкамлиги кийимлар ассортиментларидан ва эксплуатация шароитларига боғлиқ бўлиб, мўйна хоссалари хом ашёнинг қалинлиги, ишлов бериш усуллари ёрдамида аниқланади. Маҳсулотнинг ҳажмли шаклланишини олишнинг икки хил усул билан:

-буюмнинг конструкциясини лойиҳалашда унинг таркибини алоҳида бўлақларга ажратиш (алоҳида деталлар, улар уланганда керакли шакл ҳосил қилади) ёки витачкалардан фойдаланган ҳолда, чоклардан, тахламалардан, конструкциянинг алоҳида бўлимлари ҳажмли шакл олиш имконини берувчи;

-матро ўлчамини ўзгартириб деталнинг алоҳида қисмларига ва натижада материалнинг деформацион хусусиятидан фойдаланилиш усули билан амалга ошириш мумкин.

Материалнинг фазовий шаклини ҳосил қилиш хусусияти шаклланиш хусусияти деб номланса, шаклбарқарорлик эса маҳсулотдан фойдаланиш шароитида берилган шаклни сақлаб қолиш хусусиятидир.

Материалнинг шаклланиши унинг механик хусусиятлари, турли хил деформацияларга қобиляти: юпқалаш, эгилювчанлик, чўзиш ва сиқиш билан белгиланади.

Юпқалаш - бу материалнинг қалинлиги бўйлаб сиқилиши бўлиб, материални юпқалашда унинг структураси сиқилади. Ҳар бир нарсада юпқалаш фазовий шаклни шакллантириш хусусиятига таъсир қилмайди, чунки бошқа геометрик ўлчамларга қараганда, материалларнинг қалинлиги жуда кичик, аммо юпқалаш пайтида материалнинг тузилишини қайта тиклаш туфайли материалга хос фазовий шаклни қабул қилиш осонроқ бўлади [7].

Эгилиш – бу деформациянинг асосий тури ҳисобланиб, маҳсулотларда баъзи шакл элементларини яратиш ва қисмларнинг четларини букишдан иборат. Аммо, ҳажмли шаклни яратишда, эгилиш шаклни фақат ёйиладиган сиртларини олиш имконини беради (цилиндрни, конусни). Бундай шакл етарлича мустаҳкамликка эга эмас, чунки эгилиш пайтида материалнинг тузилишини структурасини мустаҳкамлайдиган боғланишлар йўқ. Кийим деталларининг шаклини шакллантириш



пайтида букилган жой материалнинг бошқа турдаги деформациялари билан уйғун бўлиши керак [7].

Кийим-кечак, пойабзал, чарм-атторлик буюмлари деталларини фазовий шаклларини ҳосил қилишда деталларнинг алоҳида қисмларида чўзилиш деформацияси ва материалнинг сиқилиши жуда катта аҳамиятга эга. Материални чўзишда ва сиқишда ҳосил бўладиган деформациялар анизотроп тузилишга эга бўлиб, у хусусиятлари ва турли йўналиш қийматлари билан фарқ қилади.

Материалларда ҳажмли шаклларни сақлаб қолиш усулларидан бири, бу нам иссиқлик билан ишлов беришда уларни деформацияланишидир. Мўйна шакллантирилганда чармни намлаш чекланади. Конвектив ва иссиқликнинг биргаликдаги таъсирида қуритиш жараёнида намликни йўқотиш мўйнали шаклланишига олиб келади.

Шаклнинг дастлабки ҳолатини сақлаш ва алоҳида деталларга қаттиқлик бериш учун қотирмалар қўлланилади. Мўйна буюмларида шаклбарқарорликни таъминловчи қотирма сифатида энгил қаттиқ материаллардан фойдаланилади. Кейинги йилларда ўтказилган ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мўйна буюмларида қотирма сифатида коллаген таркибли материаллар (КТМ) ни қўллаш мумкин экан [8]. Кийим пакетларини лойиҳалашда пакетларни шаклбарқарорлиги қандай комплекс хоссаларга эга бўлиши керак ва буни қандай воситалар билан амалга ошириш мумкин деган конструкторлар олдида мураккаб муаммолар пайдо бўлмоқда.

Мўйнадан тайёрланган кийимлар ўзининг юқори эскиришга чидамлилиги билан ажралиб туради ва хизмат қилиш муддати унинг дастлабки шаклини сақлаган ҳолатига қараб аниқланади. Мўйна кийимларидан асосий материал сифатида ва конструктив-декоратив элемент турлари сифатида фойдаланиш мумкин.

Айтиш мумкинки, ҳажмли шакл элементларининг мустаҳкамлиги ипли бириктириш ва бичиш усулларидан фойдаланган ҳолда олиниши шакллантирилганга нисбатан юқори бўлади, аммо юқорида келтирганидек, ярим тайёр маҳсулотнинг яхлитлигини бузиш зарурияти улар истиқболларини пасайтиради. Бундан ташқари ипли бириктириш ва бичиш усулларида ишлаб чиқарилган безаклар буюмнинг меҳнат сарфини оширади. Шу сабабли ҳажмли безак элементларини тайёрлаш усулларини ишлаб чиқишда элементларни ҳажмли шакллари мустаҳкамлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Коллаген таркибли материалларнинг энг муҳим хусусиятлари уларнинг узоқ муддатга чидамлилиги ва ишлаш ишончилиги хусусиятларидир [9]. Улар нафақат табиий кимёвий ва тола тузилиши, балки материалнинг мураккаб макро тузилиш табиати билан ҳам белгиланади.

Коллаген таркибли материаллар капилляр-ғовакли материаллардир, шунинг учун улар турли хил моддаларни буғ ёки суюқ ҳолатда синдиришга қодир. Вазиятга қараб, коллаген таркибли материаллар сўрилган моддаларни ушлаб туриши ёки атроф муҳитга чиқариши мумкин. Бу жараён биринчи навбатда толаларнинг кимёвий таркиби ва супрамолекуляр тузилишига боғлиқ.


Коллаген таркибли материалларнинг хусусиятларини таҳлил қилиб, ушбу материаллар етарли даражада эгилувчанлик, юқори гигроскопиклик, юмшоқлик, яхши иссиқлик изоляция хусусиятлар (толалар) каби қотирмалик материаллар учун зарур бўлган бир қатор хусусиятларга эга деб айта оламиз.

Коллаген таркибли қотирмалик материаллар алоҳида қатлам шаклида ҳам, терига суртиладиган аралашма шаклида ҳам ишлатилиши мумкин. Маҳаллий равишда қўлланиладиган ва қолипларга суртиладиган аралашмани қўллаш афзалроқдир, чунки бу технологик операциялар сонини камайтиради.

Мўйнали кийимлардан декоратив безакларнинг функционал тузилишини қуриш функцияларини қуйидагича тасвирлаш мумкин (1-расм). Функцияларнинг асосий

йўналиши - мўйнали буюмларни ҳажмли декоратив безатиш - одамларни атроф-муҳит омилларидан ҳимоя қилиш ва истеъмолчилар талабларига жавоб бериш.

Мўйнали буюмларнинг ҳажмли декоратив безаклари маълум бир тарзда тартибга солинган элементлардан иборат бўлиб, уларнинг асослари ҳар хил бўлган геометрик шакллардаги қобиклардан иборат. Аралашма шаклида ишлатиладиган коллаген таркибли материаллар энг мураккаб фазовий шаклларни ўрнатишга имкон берганлиги сабабли, ҳажмли декоратив эффектга, ярим тайёр мўйнали буюмнинг яхлитлигини бузмасдан, маҳсулотнинг барқарорлигини ва қайта тикланишини сақлаб туришда жуда кам миқдордаги операциялар бажарилади.



1-расм. Безак тузилишининг таркибий қисмлари

Коллаген таркибли материалларни қўлаб табиий қоракўл мўйнасидан турли хилдаги кийимлар тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилди. Бундай кийимларнинг ҳаво ўтказувчанлиги анча юқори бўлиши билан бир қаторда енгил ва эстетик кўриниши жуда яхши.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Меха и мода. Осень-зима 2004-2005 г., 2005-2006 г.
2. Ходжаева М.Т. Разработка метода автоматизированного проектирования форм головных уборов из натурального меха: Дисс.к.т.н.-М: МГАЛП, 1996.-136с.
3. Терская Л.А. Технология раскроя и пошива меховой одежды. Учебное пособие для студентов ВУЗов, -М.: Издательский центр «Академия», 2004.-272 с.
4. Есина Г.Ф., Санкин Л.Б. Отделка меха. М.: Легпромбытиздат, 1994-208 с.
5. Международный центр дизайна «САГА». «Разработка новой продукции в области работы с мехом норки лисы» Каталог SAGA FURS of SCANDINAVIYA, 2000-18 с.
6. Токторбаева Э.И., Лопасова Л.В., «Особенности изготовления скроев изделий из пушно-мехового полуфабриката», Учебное пособие. М.: 2001-51с.
7. Бузов Б.А., Алыменкова Н.Д. Материаловедение в производстве изделий легкой промышленности (швейное производство): Учебник для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Издательский центр «Академия», 2004. – 448 с.
8. Зарецкая Г.П. Разработка метода проектирования и способа изготовления формованных деталей одежды.: дисс., к.т.н., МГАЛП, 1994 -175 с.
9. Зарецкая Г.П. Разработка методологических основ проектирования и изготовления формованных коллагенсодержащих деталей.: дисс., д.т.н., МГУДТ, 2006-351 с.